

Бақара сураси, 136-оят

10:25 / 03.12.2017 3120

Айтингиз: «Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодига нозил қилинган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва набиёларга Роббларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга муслмонлармиз». Бақара 136.

Аллоҳ таоло муслмонларга «Аллоҳга ва Қуръонга иймон келтирамиз», – деб айтинглар», – демоқда. Айни чоғда, Аллоҳ таоло томонидан: «Бошқа пайғамбарларга нозил қилинган нарсаларга ҳам иймон келтирамиз. Жумладан, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб алайҳиссаломларга нозил қилинган нарсаларга иймон келтирамиз», – денглар», – дейилмоқда. Бу рўйхатда асботлар ҳам саналган. «Асбот» сўзи «сибт» сўзининг кўплигидир. «Сибт» эса «набира» маъносини англатади.

Қуръони Каримда зикри келган «асботлар»дан мурад Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки нафар ўғлидан тарқалган зурриётларидир. Демак, муслмонлар уларнинг пайғамбарликларига ҳам иймон келтиришлари керак.

Улулазм пайғамбарлардан бўлган Мусо алайҳиссаломга нозил бўлган Тавротга, Ийсо алайҳиссаломга нозил бўлган Инжилга иймон келтириш лозим. Шунингдек, номлари зикр қилинмаган бошқа пайғамбарларга нозил қилинган нарсаларга ҳам иймон келтириш зарур. Муслмонлар эълон қилишлари керак бўлган яна бир гап:

«Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз...» – дейишдир. Яъни «Ҳаммаларига баробар иймон келтирамиз, бирорталарини ажратмаймиз».

Пайғамбарларни бирдай кўриш, уларга бирдек иймон келтириш ва уларни тенг эъзозлаб, ҳурмат қилиш муслмон умматининг асосий қоидасидир. Шунга кўра, бу уммат барча илоҳий шариатларнинг меросхўри бўлди. Чунки мазкур пайғамбарларнинг барчасига келган дин Ислом бўлган. Шунинг учун ҳам бу уммат ҳамманинг олдида баралла овоз билан:

«...биз Унга муслмонлармиз», – деб эълон қила олади.

Мусулмон умматининг йўли ҳақ, бошқалар ҳам уларга ўхшасинлар.